



# Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:  
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



## THE ROLE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL METHODS IN VISUAL AND APPLIED ART CLASSES

Yunusov Saidislombok Yusubali ugli<sup>1</sup>

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

---

### KEYWORDS

innovation, method,  
pedagogical principles,  
traditions, visual and practical  
art, genre, still life, composition

---

### ABSTRACT

In this article, ideas about the role of innovative educational methods in visual and applied art classes in the training of visual arts teachers are highlighted. It was explained to the extent that the teachers of visual arts who teach in educational institutions should be trained in their professional skills and become qualified mature staff in educational institutions.

2181-2675/© 2022 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7139779

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

<sup>1</sup> Teacher of the Department of Fine Arts, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Uzbekistan

# ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИНГ ЎРНИ

## КАЛИТ СЎЗЛАР:

инновация, метод, педагогик асослар, урфодатлар, тасвирий ва амалий санъат, жанр, натюрморт, композиция.

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тасвирий санъат фани ўқитувчиларини тайёрлашда тасвирий ва амалий санъат дарсларида инновацион таълим методларининг ўрни хақида фикрлар ёритилган. Таълим муассасаларида дарс берадиган тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий маҳорати қай даражада тайёрланиши ва уларни таълим муасасаларига малакали етук кадр бўлиб бориши хақида тушунарли қилиб ёритилган.

«Бизнинг куч-қудратимизга ишон-маганлар, тарихий маданиятимизга, биз қурган биноларга боқсин» – деган эди, соҳибқирон Амир Темур. Дарҳақиқат, отабоболаримиз барпо этган бинолар, улардаги ранг-баранг меъморчилик безакларининг бир-бири билан узвий боғланиб кетишида, тарихий, ибратли ҳикматларга тўла ҳаёт фалсафаси мужассам. Нақшларнинг ўзига хос ҳар бир жилолари кишига завқ беради, маънавий савияни шакллантиради, касбга бўлган муҳаббатини оширади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, ўзбек халқ педагогикаси асосларини устоз-шогирд тизимини қайта тиклаш, миллий анъаналаримиздан фойдаланган ҳолда, янги инновацион педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия бериш асосий вазифалардан бирига айланган. Ёш авлод ҳар томонлама комил инсон бўлиб этишишида фан ва санъатнинг янги инновацион ғояларини қўллай оладиган бирор ҳунар ва касб эгаси бўлиши керак. Бунда ёшларни ўзи танлаган касбга бўлган қизиқиши ва хоҳиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда ҳам умумий ўрта таълим мактабларида барча аниқ ва ижтимоий фанлар ўқитилиши асосий фанлар ҳисобланиб, тасвирий санъат дарслари қисман ўтилиши ва дарс ўтишда янги бир ғоялар, инновацион методлар қўлланилмаслиги, аксинча содда, эски режа ва ишланмалар асосида дарс ўтилиши сир эмас. Шунингдек, уларни янги дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ва янги ижодий ғояларга бой технологик дарс ишланмалари билан тўлиқ таъминланган дея олмаймиз. Натижада замонавий касб ва ҳунардан етарли тушунчага эга бўлмаган, аксарият ёшларимиз олий таълим тизимига келгандан сўнг ўз мутахассислик йўналишини танлашида муаммолар туғдирмоқда.

Биринчи муаммо - мактабларда тасвирий санъат дарслари соати камлиги ва хоналар касбнинг назарий ва амалий машғулотлари учун янги услубий қўлланмалар, янги инновацион педагогик технологиялар билан тўлиқ жиҳозланмаганлиги ёки

таъминланмаганлиги.

Иккинчи муаммо – деярли барча мактабларда бир хил тасвирий санъат дарслари – касбларига ихтисослаштирилганлиги.

Учинчи муаммо – у ёки бу тасвирий санъатга ўргатилганда ҳам дарс машғулотларини олиб борувчи мутахассис кадрларни ўз касбларига бўлган эътибори, малакаси ва билим савиясининг қай даражада эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда ихтисослашган касб-хунар мактаблари, тасвирий санъат мактаблари замонавий таълим талаблари даражасида ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Лекин, бу илғор касб ёки миллий маданиятларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ҳалқ тасвирий ва амалий санъатининг барча турларини тўлиқ ўзлаштирилаяпти, дегани эмас. Кенг имкониятларга эга замонавий касб-хунар мактаблари эндиликда замонавий тасвирий ва амалий санъатининг барча турларини ҳам ўз ичига қамраб олиш имкониятига эга.

Ёшларда эса бу санъатларга бўлган қизиқиш ва касбда инновацион ғояларни ўрганишга талаб доимо юқори. Севган касблари бўйича маҳсус малака ва билимга эга бўлиш асосий мақсадлариdir.

Биринчидан, умумтаълим мактабларида ёшларга тасвирий ва амалий санъатни ўргатища касбга йўналишнинг бир хиллигидан чиқиб, тасвирий ва амалий санъатининг бошқа турларини ҳам ташкил этиш зарур. Бунда ёшларнинг ўз қобилиятларига, қизиқишиларига ижодий - инновацион изланишларига қараб касб танлаш имкониятлари кенгайиб боради.

Иккинчидан, ёшларда танланган ва маълум билимга эга касбларини касб-хунар мактабларида янада кенгроқ ўзлаштириш, янги илмий инновацион технологик методлар билан бойитиш ҳамда мустақил ижод этиш, янги ғоялар кўникумлари шакллана боради.

Учинчидан, ушбу таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъат машғулотларини олиб борувчи ўқитувчи ўз касбининг юқори малакали мутахассиси бўлиши, таълим-тарбияда ёшларга ўрнак бўла олиши, касбни назарий ва амалий жиҳатларини, санъат сирларини ёшларга тўлиқ етказа билиши ҳамда, янги инновацион ғояларни қўллай олиши керак.

Бундан ташқари тасвирий ва амалий санъат турларининг аҳамияти, уларга ўргатишнинг мақсад вазифалари, ўқитувчи ва ўқувчига қўйиладиган талаблар, ҳамда дарсларни илғор илмий педагогик асосларига суюниб, ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Устоз шоир Абдураҳмон Жомий ёшларга мурожаат қилиб шундай деган эди: «Олтин топмагину ўргангил хунар, хунаринг олдида хасдир олтин-зар» Ота-боболаримиз «Бир йигитга етмиш хунар оз» деб бежиз айтмаганлар. Устоз-шогирд мезонлари асосида аҳлоқ-одобга эътибор берив, сўнгра хунар ўрганиш ва илм олишга доимо даъват этиб келганлар. Тасвирий ва амалий санъат турларини атрофлича ўрганишда янги анъаналар, урф-одатлар, ўтказиладиган турли

тадбирларнинг аҳамияти ҳам катта.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо ва тадбирларни ҳал этиш учун ўқитувчи бор имкониятларини, малакасини ишга солиб, замонавий инновацион дастур ва режа асосида дарс олиб бориши лозим. Устоз-шогирд анъанаси асосида ўқитувчи фаол талабалар ёрдамидан фойдаланиши, ҳамкорликда изланиб ижод этиши ҳам катта самара беради. Шундагина биз, бадиий таълим тизимида таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш каби Ўзбекистон Президентининг қарор ва фармонларига жавобан олий мақсадга эришамиз.

**ФОЙДАЛИНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент шахри, 2017 йил 23 июнъ маъruzаси. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн.
2. Булатов С., Саипова М., Халилова Ф. “Миллий тимсоллар ва рамзлар” энциклопедия. Тошкент, “Таълим нашрёти”, 2018 йил.
3. Раҳимова.М. Психология курсида кўрсатмалик. –Т.: Ўқитувчи, 1981.
4. Сулаймонов А. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. - Тошкент, “БАЁЗ”, 2017.
5. Ahmedov, M.-U., & Xolmatova, F. (2021). TEACHING STUDENTS TO DRAW ELEMENTS OF PATTERNS IN WOOD CARVING CIRCLES. Збірник науковых праць Л’ОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.17>
6. Talipov, N., & Talipov, N. (2021). CREATIVE TECHNOLOGIES FOR THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE ACTIVITY THROUGH ART EDUCATION. Збірник науковых праць Л’ОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v3.12>
7. Talipov, N. X., & Aliev, N. S. (2021). The importance of perspective in teaching art to future fine arts teachers. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(2), 97-103.
8. Талипов, Н., & Талипов, Н. (2021). Проблема исторического жанра в изобразительном искусстве: взгляд на творческую школу художника Малика Набиева. Общество и инновации, 2(4/S), 607–613. <https://doi.org/10.54274/2181-1415-vol2-iss4/S-pp607-613>
9. Muratov, K. K., & Tadjieva, F. M. (2021). Issues of Improving the Technology of Organization and Management of Independent Learning Activities of Students in the Fine Arts. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(11), 521-525.
10. Saodat Makhkamova Bakhtiyorovna. (2021). QUESTIONS OF PREPARING FUTURE TEACHERS FOR ARTISTIC GAFUR ABDURAKHMANOV ANALYSIS OF WORKS OF FINE ART IN SCHOOL. Euro-Asia Conferences, 5(1), 13–18. Retrieved from <http://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/view/437>
11. Valiev, A. (2021). ABOUT THE FEATURES OF THE PERSPECTIVE OF SIMPLE

GEOMETRIC SHAPES AND PROBLEMS IN ITS TRAINING. Збірник наукових праць SCIENTIA. вилучено із <https://ojs.ukrlogos.in.ua/index.php/scientia/article/view/10540>

12. Ravshanovich, J. R. (2021). Rangtasvir Taraqqiyotining Ustuvor Yo'nalishlari. Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали, 1(6), 137-148.

13. Jabbarov, R. (2021). Sharq uyg'onish davri yetuk san'atkori buyuk miniatyurachi musavvir Kamoliddin Behzod ijodi ta'sirida yuzaga kelgan o'ziga xos yo'naliш. Жамият ва инновациялар, 2(5/S), 59-67. <https://doi.org/10.54274/2181-1415-vol2-iss5/S-pp59-67>

14. Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 17(1), 285-288. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>

15. Nazirbekova, S., Talipov, N., & Jabbarov, R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(2), 364-367. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v15.2.1192>

16. Абдирасилов, С. Ф., Назирбекова, Ш. Б., & Махкамова, С. Б. (2016). Художественно-культурные традиции узбекского народного искусства на уроках изобразительного искусства. Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии, (11 (68)), 32-42.

17. Nazirbekova, S. (2021). THE IMPORTANCE OF FIELD PRACTICE IN FINE ARTS. Збірник наукових праць Λ'ОГОΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v4.35>

18. Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhridinovich. (2022). THE IMPORTANCE OF FOLK APPLIED ART IN THE FORMATION OF YOUTH CREATIVE ACTIVITY. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(02), 142-156. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-23>

19. Kholmatova Feruza Muhammad Umar Kizi. (2022). METHODOLOGY OF TEACHING STUDENTS TO ARTISTIC PERCEPTION OF PAINTING WORKS IN FINE ARTS CLASSES. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(02), 125-135. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-21>

20. Нураев, У. Н., & Махкамова, С. Б. (2016). Вопросы подготовки студентов к художественно-творческой деятельности. Молодой ученый, (7), 687-691.

21. Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. Збірник наукових праць Λ'ОГОΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>

22. Абдирасилов, С. Ф., & Назирбекова, Ш. Б. (2017). Компьютеризация и информатизация художественно-практические занятия в обучении студентов. Инновации в науке, (12 (73)), 21-23.

23. Yusubali o'g'li, Y. S. (2021). Xvi-Xvii Asrlar GArbiy Yevropa Tasviriy San'atida Maishiyl Janrning Rivojlanishi. Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали, 1(6), 191-197.